



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 28 август 34 (314) ● Сотувда нархи эркин

БАЙРАМИМИЗ КЎНЛУҒ БЎЛСИН!

ЯНГИ ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМАН

Етти йил тарих учун унча катта муддат эмас. Аммо бу даврда мустақил давлатимиз бозор шароитида иқтисодни тараққий эттириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида қатор ишларни амалга оширди.

Республикамиздаги барча алоқа корхоналарининг меҳнат жамоалари Мустақилликнинг етти йиллигини пухта тайёргарлик, кўтаринки кайфият билан кутиб олишмоқда. Маълумки, ўтган йили Президентимиз Фармони билан Алоқа вазирлиги тузатилиб, унинг негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил этилган, унга акционерлик компанияси — «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» ва «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компаниялари тузилган эди.

Ушбу Фармонда Агентлик ва акционерлик компаниялари зиммасига бунун алоқа мажмуу фаолиятини тубдан яхшилаш, хизмат даражасини юксалтириш, ишининг янги — бозор шакллари ва услубларига жабдал ўтиш вазифаси юклатилган. Бунинг билан алоқачиларимиз янги тушуниб, кўйилган юксак мақсадлар йўлида астойдил ҳаракат қилиб, меҳнат қилдилар.

Ўзбекистон алоқа корхоналари жамоалари телекоммуникация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, почта алоқаси фаолиятининг молиявий ишлаб чиқариш асосини мустаҳкамлаш, қурилиш ва саноат ишлаб чиқариш мажмуини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг Миллий дастури асосида ишни ташкил этидилар.

Ўтган олти ойда барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилиди, хизмат, фойда ва даромадлар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига эришилди. Почта ва телекоммуникациялар корхоналари жорий йилининг биринчи ярим йиллигида аҳолига 2,79 миллиард сўмлик пулли алоқа хизмати кўрсатди. Ҳаммаси бўлиб 3,94 миллиард сўм фойда олинди. Барча алоқа корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятларини зарар кўрмасдан яқунлади. Агентлик корхоналарида ўртача самардорлик 53,0 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда алоқа соҳасида 36


та ҳиссадорлик жамиятлари, 11 та қўшма корхона, 20 та давлат корхонаси ва битта ижара корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Миллий сегмент Транс-Осиё-Европа ишига толали кабель магистралининг биринчи босқичи қурилиши тугаллашиб, фойдаланишга топширилди. Умуман, биринчи ярим йилликда қишлоқ жойларида 1300 рақамга мўлжалланган АТС ишга туширилди, 292 километрлик ишига толали алоқа линиялари фойдаланиш учун тахт қилиб қўйилди. ОЕСФ Япон кредити бўйича Оролбўйи минтақасида бир қатор ишлар олиб борилляпти. Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарларида шаҳарлараро автомат телефон станцияси ва 85,0 миң рақамли автомат телефон станцияси созланди. ОЕСФ кредити бўйича 2,4 миллиард сўмлик ишлар бажарилади. «Ўзбек Телеком Интернетини» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси билан эса Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта таъмирлаш борасида улкан ишлар бажариламоқда. Хориж сармоси асосида 20,9 миллион АҚШ доллари миқдорига ишлар амалга оширилди. Олинган даромадлар асосан соҳани тараққий эттириш йўлида сарфланаётир.

Агентликда ташкил этилган 6 та уяли қўшма алоқа корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу қўшма корхоналар ичиде «Ўздуробита» етакчилик қилади. Бу корхонанинг республикамиз барча вилоятларида ўз бўлимлари мавжуд.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Хайъати номидан ва шахсан ўз номидан барча алоқа ходимларини умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги билан қизғин табриқлайман, барчанизга мустаҳкам соҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларинизда янги зафарлар тилайман!

Абдувоҳид ЖЎРАБОВ,
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори



БАЙРАМГА ТУҒФА

«Сирдарё телеком» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти мустақиллик байрамининг етти йиллиги арафасида янги, замонавий бинога кўчиб ўтди. Ҳар бир бўлимга алоҳида хоналар ажратилди. Электралоқа, режалаштириш, капитал қурилиши ва умумий бўлимлар, шунингдек ҳисобхона ходимлари яратилган қудайликлардан руҳланиб, кенг, еруғ шинам хоналарда компьютерлар орқали вилоятнинг давлат ва хўжалик ташкилотларига, фуқароларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун астойдил меҳнат қилляптилар. Эндиги мақсад алоқа сифатини бундан ҳам яхшилаш ва келгусида янада самаралироқ ишлашдир.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Сирдарё вилояти

ЮРТИ МЭҲРИ

Чорлади қошига ўлкалар йирок,
Ғаройиб сафарлар яйратди жонни.
Фаранг, Олмон юртин сайр этдим, бироқ,
Соғиндим бир зумда Ўзбекистонни.

Кездим турфа араб мамлакатларин,
Томоша айладим барақа-қутни.
Кўзимга сурсам-да Макканинг гардин,
Кўмсадим ҳар лаҳза мен она юртин.

Ҳиндистонни кўрмоқ орзуси дилда,
Ҳимолайдан қорли доvonлар ошдим.
Мафтун қилса ҳам бу сеҳрли ўлка,
Бироқ мен уйимга — юртимга шошдим.

Саёҳатни ҳавас қилдим тинмайин,
Англадим нелигин айрилиқ-фиروق.
Не тонгки, жаҳонни кезганим сайин,
Ўзбекистон, сени севдим қаттиқроқ!

Мирпўлат МИРЗО

- Матбуотда «Ўзбекистон инфохори» фахрий уловини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек, «1998 йил пахта ҳосилини янгиштириб олинши рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақдасининг Қарори эълон қилинди.
- Биринчи қаҳирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий

даларни муҳокама қилдилар.

● Россия ҳукумати Бош вазир Сергей Кириенко бошчилигида истеъфого чикди. Собиқ Бош вазир Виктор Черномырдин Россия ҳукумати бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

● Америка Қўшма Штатлари Афғонистон ва Судандаги иншооларга ракета зарбалари берди. Президент Билл Клинтоннинг сўзларига қараганда, террорчилик ҳаракати билан боғлиқ бўлган иншоотлар аниқ нишонга олинди. Суданда Хар-

ОЛАМДА НИМА ГАП?

— Янеликлар — Воқеалар — Хабарлар

● Мажлисининг мажлислар залида очилди.
● Тошкентда Қозғонистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари ҳамда мудофая вазирларининг маслаҳатлашуу учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув интирокчилари Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистон четгаралиридаги вазият билан боғлиқ кенг қамровли маса-

тум шаҳри яқиндаги кимёвий қурооллар ишлаб чиқарадиган завод портлатиб юборилди. Афғонистонда эса саудиялик машҳур террорчи Осам бин Ладенинг макони бўлмиш иншоотлар мўлжалга олинди. Бу жойларни Президент Клинтон терроризмининг энг фаол маконларидан бири деб ҳисобламоқда.

**Маъруфжон
ТОЖИБОВ,
Агентлик Юридик-
ҳуқуқий бўлимининг
бошлиғи:**

1. Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, тобора раванг топиб бормоқда. Утган етти йил ичида рўй берган муҳим воқеалар ва ўзгаришларни бир эслайлик. Мен ёш ҳуқуқшунос сифатида аввало халқимиз хоҳиш-иродаси, урф-одати, унинг сиёсий-ижтимоий ҳақ-ҳуқуқини ўзида муҳассамлаштирган, истиклол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинганлигини энг муҳим воқеалардан бири деб ҳисоблайман. Чунки ҳар бир мустақил давлат ўзининг Конституциясига эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қомауси Ўзбекистондаги конституциявий ислохотнинг ва тараққиётнинг асосий босқичини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Асосий Қомаусида 200 дан ортиқ, ҳар бири муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди. Қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг муҳим бир воқеа деб қараш мумкин. Жумладан, Ўз-

МУСТАҚИЛЛИК – УЛУФ НЕЪМАТ

**1. Мустақиллик байрамининг етти йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Шу давр мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?
2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан ўзингиз мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?**

бекистон Республикаси Алоқа тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Қорхоналар тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва бошқа барча қонунлар ўз навбатида, ўзининг таъсир доирасида муҳим воқеадир.

Мустақиллик тўғрисида ҳуқуқшуносларга бўлган талаб тубдан ўзгарди десам янглишмайман. Давлат бошқарувида, қорхоналарда ҳуқуқшуносларга эҳтиёж кучайди.

2. Мустақил давлатда қабул қилинган қонунлар халқ дари ва қизиқиларини ифода этмас экан, у қорғозда қолиб кетиши аниқ, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мустақиллик нима берди ва Ватан мустақиллигига қандай ҳисса қўшдим дея ўзига савол бериши керак. «Яшиллик қилолмасан, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилма» деган ҳикмат бор. Ҳар бир фуқаро, гарчи мустақилликка ўзининг маъ-

лум бир ҳиссасини қўша олмасда, ҳеч бўлмаса қонуний давлат қуриш учун қабул қилинган қонунларга амал қилиши лозим.

Энди ўзимга келсак, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олдимга қўйган қатор мақсадларим бор. Аввало, давлатнинг алоқа соҳасида бошқарув органи бўлган агентликнинг қабул қилаётган меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларига мослигини доимо назорат қилиб бориш, агентликка амалга оширилаётган хайрли ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, Ўзбекистон Республикасидаги барча алоқачиларнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ифодалайдиган қонун ва меъёрий ҳужжатларни яратишда фаол иштирок этиш, ҳақ-ҳуқуқини билмаган ҳар бир фуқарога ёрдам бериш орқали Ўзбекистон Рес-

публикаси мустақиллигига оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Улуғ байрам билан барча алоқачиларни самимий куталайман. Мустақиллигимизга кўз тегмасин.

**Баҳром
ТОШМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳар матбуот
тарқатиш уюшмасига
қарашли 114-дўкон
сотувчиси:**

1. Мустақиллик деганда аввало мустақил тузум тобелигидан кутулган, озод ва келажиги нурли Ватаним кўз олдимга келади. Мустақиллик бизга ўз тилимизни, динимизни, иймон-этиқодимизни қайтариб берди. Бу қонунлари ота-боболаримиз бир умр орзу қилиб ўтдилар. Ниҳоят, биз шу муқаддас қонунларга етиб келганимиздан Орлоғха минг бор шукр қилишимиз керак.

Албатта, мустақилликдан сўнг барча соҳалардаги ка-

би, бизнинг соҳамизда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди. Масалан, илгари санокли газета ва журналлар билан савдо қилардик. Ҳозир эса матбуот турлари кўпайди. Натихада бизнинг савдо-миз ҳам чаққонлашди.

2. Мустақилликни мустаҳкамлашда одамлар бир-бирига ҳурмат-эътиборли бўлиб, келажак авлодни ўйлаб, эзгу ниятли ишларга бош қўшиб ишлашса бундан ҳам аjoyиб кунлар, тараққиётнинг юксак чўққиларига етишамиз.

Матбуот нашрлари мустақил Ўзбекистонимизнинг ташқи ва ички сиёсатини акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир. Муштарийлар газета-журналлар орқали юртимизда бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, хорижий мамлакатлардаги турли янгиликлардан хабардор бўлиб турадилар. Ана шу хайри ишда биз — дўкон сотувчилари аҳолига газета ва журналларни ўз вақтида етказиш орқали халқимизни маърифат ва маънавиятга қорлаб, Ватанимиз мустақиллиги йўлида ўзимизнинг камтарона ҳиссамизни қўшаётган деб ўйлайман.

**Сўхбатларни
Ҳ. РАҲИМҚУЛОВА,
Э. МАТҚУРБОНОВлар
ёзиб олишди**

Тошкентда Оила йилига бағишланган Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жағғармаси кубоги учун шахар ва қишлоқ жамоаларида волейбол ҳамда баскетбол бўйича республика якуний финал мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу беллашувларда вилоят мусобақаларида голиб чиққан жамоалар ўзаро куч синашдилар.

Тошкент шаҳри ва Навоий, Самарқанд, Андижон вилоятларидан юқори, фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларнинг ўйини қизгин спорт курашлари билан ўтди. Бундай нуфузли спорт мусобақасида алоқачилардан ташкил топган «Самарқанд телеком» ва «Андижон телеком» жамоалари ҳам иштирок этишди. Алоқачи спортчиларни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. ЖУРАБОВЕВ қабул қилди, уларга янада юксак зафарлар тиллади.

Саралаш ўйинларида «Самарқанд телеком»нинг захирасидаги ўйинчилари «Навоий» жамоаси билан беллашди. «Андижон телеком» волейболчилари эса «Самарқанд» жамоаси билан куч синашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Бундай ютуққа эришиш учун Андижонлик алоқачилар озмуноча ҳаракат қилишмади. Волейболчи қизлар ўйинида астойдил кураш олиб бориб, рақибларини доғда қолдиришди. Биз волейболчи алоқачиларни шарафли ютуқ билан табриқлагач, жамоа бош мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Миллий тоифадаги

ВОЛЕЙБОЛЧИ АЛОҚАЧИЛАР

жаҳам Толибжон БОЗОРБОВЕВ-ни сўхбатга қорлади.

— Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида бундай спорт

Жамоамиз қизлари спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланиб келишаётир. Машқлар жадвалини эса раҳбарлик билан



жамоаларини ташкил этиб, республика миқёсидаги ўйинларда иштирок этишининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало жойлардаги раҳбарларнинг ўзи ўша спорт турига қизиқиши ва жонқуяр бўлишлари лозим. «Андижон телеком» ҳиссадорлик жамиятида ана шундай инсонлар топилди. «Андижон телеком»нинг Андижон шаҳар филиали очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бош директори М. Ҳакимов, қорхона касаба уюшма кўмитаси раиси А. Абдунабиевларнинг қўллаб-қувватлаши тўғрисида 1998 йил бошида маҳаллий алоқачи қизлардан иборат волейболчилар жамоаси тuzилди. Мен жамоага бош мураббий этиб тайинландим.

келишган ҳолда тузамиз. Жамоа ташкил этилгандан сўнг қорхона раҳбарияти бизни спорт анжумлари билан тазминлади. Хали ўз спорт базамизга эга бўлмасак-да, машқларни мунтазам ўтказиб туришимиз. Жамоамизга волейбол ўйинига қизиққан ва бу ўйин билан шуғулланган қизлар таялаб олганмиз.

— Алоқачи қизлар учун спортнинг бу тури нима беради?

— Спортнинг бу тури қизларни чаққонликка, серҳаракатликка ўргатади. Бу эса иш унумини оширади. қийинчиликлардан кўрқмасликка кўникатиради.

— Толибжон ака, жамоангиз вилоятдаги ўйинларда қандай қатнашди?

— Биз аввал Андижонда биринчи ўринни, кейин худудлараро ўтказилган Фарғона водийсидаги мусобақаларда ҳам биринчи ўринни эгаллашдик. Тошкентга йўлланма олдик. Келгусида жамоамиздан яхши, маҳоратли спортчилар етишиб чиқишига ишонманам. Бунинг учун бор имкониятими ишга солиб, жамоани юқори ўринларга олиб чиқишга ҳаракат қиламан. Энг яхши ўйинчиларимиздан жамоа сардори Умида Юсупова, Муқаддам Бозорова, Фариди Хайридиновлар фахримиз, гуруримиздир.

— Мустақиллик арафасида учрашиб турибмиз. Юртдошларимизга қандай тилақларингиз бор?

— Мен спортчи бўлганим учун аввало ҳар бир ҳондонда Алломишдек соғлом, дуркун авлод ўсиб улғайсин, раҳбарларимиз спортга кўпроқ эътибор беришсин дейман. Чунки соғлом одамнинг жамиятга кўпроқ фойдаси тегади, мамлакатимиз ривожига кўпроқ ҳисса

қўшади. Бизнинг камтарона меҳнатимизни қадрлаб, биз билан учрашув ташкил қилган агентлик раҳбариятига жамоамиз ва шахсан ўз номимдан миннатдорчилик билдираман. Жамоамиз аъзолари бу учрашувдан гоят хурсанд бўлишди.

— Ўйинчилар ҳали ёш экан, келгусида жамоангиз бундан ҳам юксакроқ галабаларга эришин. Биз ҳам газетамиз жамоаси номидан сизларни мустақиллик байрами билан табриқлаймиз.

— Ташаккур!

**Сўхбатдош: Иzzат
АҲМЕДОВ**

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ

«Ўзбекистон маркаси» очик турдаги акциядорлик жамияти Камолитдин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган янги почта маркасини муомалага чиқарди.

Урта асрнинг кўзга кўринган



буюк мусаввири ва миниатюра санъати устаси Камолитдин Бехзод Алишер Навоий ва Жомий асарлари асосида ўз миниатюраларини яратди. У қолдирган мерос Шарқ халқлари учун буюк миниатюра санъати мактабидир.

Бехзоднинг миниатюралари ва унинг мактаби буюк Шарқ мутафаккирлари ижодларини бойитишда хизмат қилган. Унинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маълумотлар дунё энциклопедияларидан кенг ўрин олган.

Янги почта маркасида Камолитдин миниатюрасининг бир қисми ифодаланган. Марка икки хил рангда бўлиб, нархи 15 сўм. Маркадаги суратни мусаввир Т. Каримов чизган.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АНЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ • АЛОҚАБАНК •

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларини Республикада мустақилликнинг етти йиллиги байрами билан самимий табриқлайди. Уларга сўхат-саломатлик, тинчлик, бахт-саодат, оилавий тотувлик ҳамда мустақил Ватанимиз равангига йўлдош юксак меҳнат зафарлари ёр бўлишини тиллайди.

**«АЛОҚАБАНК»
бошқаруви**

Замонавий ўзбек насрининг, хусусан, ўзбек романларининг асосчиси сифатида буюк Абдулла Қодирийнинг XX аср ўзбек адабиётидаги ўрни беқисс, албатта, лекин мен бир мунаққид сифатида гоҳо ўзимча ўйлайманки, бу асрнинг энг буюк носирлари — Абдулҳамид Чўлпон билан Фафур Гуломдир. Зотан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи, Фафур Гуломнинг «Шум бола» кассиси билан «Менинг ўғригина болам», «Ҳасан Кайфий», «Афанди ўлмайдиган бўлди» ва бошқа кудли ҳикоялари олдийгина наср эмас, зўр шоирнинг гузал насри, шоирона насри, Курбони каримдек юксак шеърят мақомига кўтарилган наср. Бу ўринда Фафур Гуломнинг кассиси ва ҳикояларини қўя туриб, диққатни Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига қаратсак, мазкур роман, худди Носириддин Бурҳониддин Рабғузайининг «Қиссасул анбийе» ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарлари каби, қарийб минг йиллик тарихга эга ҳам насримизнинг ўзига ҳос гултоғидир. Айни чоғда «Қиссасул анбийе» ва «Бобурнома»дан фарқли улароқ, шундай шоирона насрни, бу гултоғда XX аср жаҳон романчилигининг, хусусан, Лев Толстой, Федор Достоевский ва Рабиндранат Тагор романларининг етакчи фазилатлари ўзига ҳос тарзда мужассамлашгандир.

Мен бундан роппа-роса ўн йил аввал — «Кеча ва кундуз» романи «Шарқ юлдузи» журналда қайта ёрғулик қурган заҳоти бу фикрни атрофлича таҳлилда исботлаб

қўрсатиш ниятида қирқ саккиз саҳифадан иборат «Тонг юлдузи шуълалари» деган бир мақола ёзган, унинг нисбатан «беозор» бир қисми «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиққан ҳам эди. Бу ўринда шоирона наср поэтикиси, асардаги «Олтин қозик» ва «Етти қароқчи»га менгазулик белтакор образлар тизими, Чўлпоннинг романнавис сифатидаги беқисс санъаткорлиги каби масалаларни бир чеккага қўя туриб, диққатни Чўлпон романида тенги йўқ даражада ерқин

перияси тагин ҳам ботмасинми! Неча минг лак фуқаронинг жони мановиларнинг қўлида, буларнинг жони эса, анови манжалақиларнинг қўлида... Демак, империяси ботишга томон боради. Дарҳақиқат, башарият тарихидаги барча империялар каби, Россия империяси ҳам, бир ярим-икки асрнинг нари-берисида ботишга томон бориб, XX асрнинг сунги ўн йиллигида узил-кесил парчаланди. Бу буюк Чўлпонимизнинг 56 йил аввал қаҳрамон тилидан қилган ўзига ҳос

қуб эпақа билан ўтакетган аҳмоқ Акбарали мингбоши ўртасида империя ҳақида тагин гап қўзғалади. Ана ушанда икки маишатбозга тирик эм фоҳиша «Жар ёқасидаги «Империя» ресторанини айтаяписизларми?» деб сўрайди. Бу ўринда гап империянинг ўзи ҳам, ресторани ҳам жар ёқасида турганига назик ишорадангина иборат эмас, албатта. Асосий гап шундаки, «кампирининг дарди — ғўзада» деганларидек, ҳар кимнинг — Нойиб туранинг ҳам, Мирёқубнинг ҳам, Акбаралининг ҳам ҳаттоки фоҳишанинг ҳам ўз дарди, ўз қаричи, империя хусусидаги ўз нуқтаи назари бор! Учига чиққан хотинбоз Мирёқуб шу жар ёқасидаги империядан Биби Марямни — Мария Степановна Астровани халос қилиб, озоликка олиб чиқар экан, шу хатти-ҳаракат замиридан англашиладики, демак, ўтакетган маишатбоз ҳам Мирёқуб эпақадек «итликларини ташлаб», инсофга келиб, халоскорлик, тавба-тазарру, дин-диенат, хуррият, озолик, мустақиллик йўлини тутмоғи керак бўлади. Ана ушанлагина юрт — овод, Ватан — овод, олам — гулистон бўлади.

Шу бир жуфтгина характерли мисоллардан аён кўриниб турибдики, истиқлол фидойиси Абдулҳамид Чўлпоннинг шоҳ асари — «Кеча ва кундуз» романи истиқлол мафқурасининг асосий пайдеси мустақкам қилиб қўйилган дастуруламал сифатидаги баркамол асарлардан биридир, аниқроғи, биринчидир.

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИСИ

ифодаланган истиқлол голярига қаратайлик.

Авалло шунга таъкиллаб айтиш керакки, ўзбек насрида, боринки, жаҳон романчилигида ҳеч ким башарият тарихида катта ўринни ишғол қилган бир ижтимоий тизим — империянинг нима, қандай ижтимоий ҳодиса эканини Чўлпон қалар ерқин очиб кўрсата олган эмас. Масалан, Мирёқуб эпақанинг «Империя нима?» деган саволига жаован Россия империяси малайларидан бири — Нойиб тура «Мана империя» деб уч тиссолни — Оқпошнинг сувратини, ўзини ва елқасидаги погонини кўрсатади. Ана ушанда «чакки шу сартидада тугилиб қолган америкача бизнесмен» — учар қорчалон Мирёқуб эпақа ўзига яраша чуқур ўйларга толади ва хулосага келадикки, «Им-

башорати, истиқлолнинг муқаррарлигига қатъий ишончи эди. Жонаҳон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг еттинчи йиллида «Кеча ва кундуз» романини қайта varaқлаб, унга истиқлол голяри нуқтаи назаридан кўз ташласангиз, бири-биридан ажойиб-гаройиб манзараларни кўрасиз ва Чўлпоннинг, дарҳақиқат, истиқлол фидойиси, фидойиликни беқисс санъат даражасига олиб чиққан буюк носир эканига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласиз. Единғизда бўлса, асарда Мирёқуб Нойиб тура билан бўлган ўша суҳбатдан кейин тутинган отаси — Акбарали мингбоши Зебинсоға ҳос — Гузал санъатни беғараз идрок этгани деб унинг «итликларини ўлдирин» учун фоҳишахонага бошлаб боради. Ана ўша ерда пихи қайрилган тулак Мирё-

ОТАУЛИ

ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва сезиброқ тасаввур қиласан.

А. БЛОК

Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди.

Г. ФРЕЙТАГ

Саховатинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туғайли юзага келган.

Ж. РУССО

Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда катта ҳис... Бу — ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг ахшиёмон кунларида асқотиш демакдир.

А. ТОЛСТОЙ

Кимки умумий фалокат дақиқаларида ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир хайлға борса, у овод мамлакатда яшашга ҳақли эмас.

Ф. КЛИНГЕР

Ўз юртидан юз ўғирганлар ўз виждонларидан ҳам юз ўғирадилар.

Я. ГАЛАН

Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди — бу ватанга хиёнатдир.

П. БУАСТ

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани севаолмайди.

Ж. БАЙРОН


Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраблар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

ЦИЦЕРОН

•Бу—қизик

КУЁВЛАР СИНОВИ

Африканинг банга қабиласида утмишдан сақланиб қолган қадимий анъана мавжуд. Шу анъанага бинан келин тўй олдида кувёвнинг қанчалик жасоратли ва чидамлилигини синаб кўради, яъни ёниб турган машъалани бир дақиқа йигит кукрагига тутлади. Агар йигит бақириб юборса, ёки ўзини орқага олиб тисарилса, тўй бўлмайди.



Мустақиллик меваси — пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи фахримиз, гуруримиздир.

ДҶРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

Мустақилликдан илгари шоир ва ёзувчилар кўнгилларидаги бор гапларни, озолик ҳақидаги орзу умидларини эмин-эркин, очик-ойдин айта олмас, дил тубидаги бу армонлар асарларидаги рамзий сатрлар, имо-ишораларда, айрим ҳазил-мутойибалар, гап-сўзларда беҳаттиёр сезилиб қоларди. Қуйидаги ҳангомалар эл суйган иждокорларимизнинг ана ўша иллардаги кайфияти ва руҳиятидан огоҳ этади.

ОЗОДЛИК ДАРАХТИ

Кулардан бир куни Абдулла Орипов Шукур Курбон билан Дўрмондаги дала-ҳовлисида кўчат эмакчи бўлади. Ердамчилар келиб, кўчатлар оралиғи ва ерининг чуқурлигини рисоладагидек ўлаб, қазиб кетишган, бир четда энаси қотиб ўтирган шоир шогирдидан илтимос қилади:

— Шукуржон, кетмонни олиб, мана бу чуқурларни кўмиб чиқ!

— Не, ҳали кўчат экмас-

дан тупроқ тортамизми? — дейди Шукур Курбон ҳайрон бўлади.

— Улар кўрсатган жойга экмаймиз! — дейди Абдулла ака қатъий оҳангда. — Қиёққа борсанг чеклаш, ман қилиш. Бу ерда ҳам шу — у ерга эмас, бу ерга эк! Оралғи шунча! Чуқурлиги мунча! Йўқ, бу кўчатни ҳов ана бу ялангликка экамиз! Озоликнинг ягона дарахти бўлиб кўкариб турсин!

Озоликнинг ўша ягона дарахти ҳали ҳамон яшнаб-кўкариб, шаббодада нафис чайқалиб турибди.

ЕТМИШ ШИТТИК ОЧАК

Эркин Воҳидов океан ортига сафар қилганида америкали ўзбеклар уни жуода яхши кутиб олишади. Диққатга сазовор жойларни кўрсатишади, таниқли одамлар билан таништиришади. Уша маҳалда америкалик машхур олим, доктор Хайдер Оқ уй рўпарасида хукумат сиёсатиға қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилган, бу воқеа бутун дунёда анча-мунча шов-шувға сабаб бў-

ган кезлар эди. Бир гурунда Эркин ака ватандошларидан сўрайди:

— Жаноб Хайдер шунча вақтдан буён очликка қандоқ чидаётган экан? Ёши ҳам бир жойга бориб қолибди.

— У овқат емайди, фақат нон, сув билан тирикчилик қилади, холос, — жаовоб беришибди мезбонлар.

— Э-ҳа, шуми ҳали очлик дегани? — дея ҳайратланибди Эркин ака. — Унда бизнинг ўзбек халқи етмиш йилдан буён очлик эълон қилган экан-да.

Ш. ОТАБЕК

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖУРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўринов АҲМЕДОВ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0277. 8245 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида таъриф.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 19.30
Босишга топшириш вақти — 21.00

123456

ДУШАНБА 31

УзТВ-1
6.30 «Ассолом, Узбекистон»
8.00-8.40 «Тахлилнома»
8.40 «Омитага ўқисин дилер» Мусийи композицияси...

10.50 «Алломиш валодлари» Спорт дастури.
11.05 «Даҳлардан танилган ерт» Видеofilm. 1-қисм.
11.25 «Ғазалон шилими»...

УзТВ-2
18.40 Кўрсатувлар дастури.
18.45 «Шукрона»
18.50 «Тадбирлар»...

УзТВ-3
Соат 6.30 дан узТВ-1 улуғлиги теледастури
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-4
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

СЕНАБНА 1

УзТВ-1
МУСТАҚИЛЛИК АЙИМИНИ КЎТУЛУ БЎЛИСИ,
МУХТАРАМ ТЕЛОМОШИАШНАР!
6.25 дан улуғлиги теледастури
Маана, етти йиллик, Узбекистон узра Истиқлол...

УзТВ-2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.05, 10.30, 12.05, 15.15, 18.55 — Кўлловлар.
9.10 «Катта танффус»...

УзТВ-3
13.55 «Истиқлол шукри»
14.05 «Бўғунинг шукри»
15.05 «Бўқ Амир Темур» Телевизион бадий фильм...

УзТВ-4
18.40 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Тошкент вақти» Информацион курсатури
18.10 «Сен хондига ва сен учун» Болалар ўқу...

19.15 «Асрлар» Давлат кино архиви билан ҳамкор-
ликда тайёрланган
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Абботот» (рус тилида)...

УзТВ-5
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-6
Россия жамоат телевидениеси
20.00 — 20.40
20.40 «Дил изохори»
20.45 «Қасбга назар» (Буюк Британия)...

ЧОРШАНБА 2

УзТВ-1
6.30 «Ассолом, Узбекистон»
8.00 — 8.25 «Абботот»
8.25 Дилрабо тароналар.
8.50 «Олма сават» Кинокурсатури...

УзТВ-2
18.40 Кўрсатувлар дастури.
18.45 «Шукрона»
18.50 «Тадбирлар»...

УзТВ-3
Соат 6.30 дан узТВ-1 улуғлиги теледастури
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-4
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

УзТВ-5
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-6
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-7
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

ПАЙШАНБА 3

УзТВ-1
6.30 «Ассолом, Узбекистон»
8.00 — 8.25 «Абботот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи...



13.40-14.00 «Соҳ сеҳри» Мусийи дастур.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-2
Россия жамоат телевидениеси
20.00 — 20.40
20.40 Болалар учун «Бинафша»
21.00 «Бу Шитир»...

ШАНБА 5

УзТВ-1
6.30 «Ассолом, Узбекистон»
8.00-8.25 «Абботот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи...

УзТВ-2
18.40 Кўрсатувлар дастури.
18.45 «Шукрона»
18.50 «Тадбирлар»...

УзТВ-3
Соат 6.30 дан узТВ-1 улуғлиги теледастури
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-4
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

УзТВ-5
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-6
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-7
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

ЖУМА 4

УзТВ-1
6.30 «Ассолом, Узбекистон»
8.00-8.25 «Абботот»
8.25 Лирик тароналар.
8.50 «Иррабон» Спорт дастури...

18.30 «Дарачи»
18.35 «Санта Барбара» Телесериял.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Абботот» (рус тилида)...

УзТВ-5
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-6
Россия жамоат телевидениеси
20.00-20.40
20.40 Болалар учун «Бинафша»
21.00 «Бу Шитир»...

ШАНБА 6

УзТВ-1
6.30 «Ассолом, Узбекистон»
8.00-8.25 «Абботот»
8.25 Республика газеталарининг шарҳи...

УзТВ-2
18.40 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ушмоқ кудузи» Телевизион ўйин.
18.00 Спорт дастури: «Спорт, спорт, спорт»...

УзТВ-3
Соат 6.30 дан узТВ-1 улуғлиги теледастури
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-4
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

УзТВ-5
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-6
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-7
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

УзТВ-8

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

14.00-14.30 «Чинсон»
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша»...

УзТВ-1
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-2
Россия жамоат телевидениеси
20.00-20.40
20.40 Болалар учун «Бинафша»
21.00 «Бу Шитир»...

УзТВ-3

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-4
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-5
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

УзТВ-6
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-7
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.

УзТВ-8
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Роксолана — сўтон асириси» Телесериял...

УзТВ-9
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультимоша»
18.10 Болалар учун «Ҳамадаги гулларимиз»...

УзТВ-10
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Янгиликлар.